

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1263-ҳадис**

1263 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُدْرِكُهُ الْفَجْرُ وَهُوَ جُنُبٌ مِنْ أَهْلِهِ، ثُمَّ يَغْتَسِلُ وَيَصُومُ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1926، م 1109/76].

1263. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳлларида жунуб бўлган ҳолларида тонг отиб қолар, сўнг ғусл қилардилар ва рўза тутардилар»

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Яъни, Пайғамбар алайҳиссалом эҳтилом бўлиб, ғусл қилмасларидан олдин тонг отиб қолар эди. Тонг отгандан кейин ғусл қилиб олар ва рўзани тутаверар эдилар.

Ушбу ҳадисдан Пайғамбар алайҳиссалом ҳам эҳтилом бўлишларини ва жунублик ҳолати рўза тутишга ҳалал бермаслигини билиб оламиз.

Шунингдек, жунуб одам ғусл қилса, рўзасига путур етмаслигини ҳам кўрамиз.

Манба: hadis.islom.uz



